



О'ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASINING QARORI

20 24 yil « 7 » may

№ 268

Toshkent sh.

Иқтисодиётда давлат иштирокини қисқартириш жараёнларини ва хусусийлаштириш дастури ижросини самарали ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Иқтисодиётда давлат иштирокини қисқартиришнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида” 2024 йил 19 апрелдаги ПҚ-162-сон қарори ижросини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қиласди:

1. Вазирлик ва идоралар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари:

а) бир ой муддатда ўзлари акциядор (иштирокчи), муассис бўлган, давлат улуши 50 фоиздан юқори бўлган хўжалик жамиятлари ва давлат унитар корхоналари (кейинги ўринларда – давлат иштирокидаги корхоналар) билан биргаликда:

хусусийлаштириш дастурларига мувофиқ савдога чиқарилиши белгиланган давлат иштирокидаги корхоналарнинг активларини Давлат активларини бошқариш агентлигига (кейинги ўринларда – Давактив агентлиги) ўtkазиб бериш масаласини мазкур корхоналарнинг бошқарув органлари йиғилишларида кўриб чиқиб, ҳал этишини;

давлат улуши савдога чиқарилиши белгиланган давлат иштирокидаги корхоналарнинг устав капиталида бошқа давлат улуши устун мавқега эга ёки унинг иштирокида бўлган хўжалик жамиятларининг улушлари Давактив агентлиги томонидан аниқланганда, уларнинг бошқарув органлари қарорлари асосида яхлит пакет сифатида савдога чиқариш учун ушбу улушларни Давактив агентлигига ўtkазиб берилишини;

б) давлат иштирокидаги корхоналар билан биргаликда хусусийлаштирилиши белгиланган давлат активларини улар сотилгунга қадар бутлигини таъминлаш ва бегоналаштирмаслик (сотиш, сотиладиган улуш миқдорини камайтириш, гаровга қўйиш, бузиш ва бошқалар) чоралари кўрилишини таъминласин.

Бунда хусусийлаштириш дастурларига мувофиқ савдога чиқарилиши белгиланган активлар куйидаги механизмлар асосида Давактив агентлигига ўtkазилади:

давлат иштирокидаги корхоналарнинг устав капиталидаги давлат ҳамда хўжалик жамиятлари улуши улар томонидан Давактив агентлигига топширилган активларнинг сотилган қийматига мос равишда камайтирилади. Бунда сотилган қиймат активларнинг қолдиқ (баланс) қийматидан юқори бўлган тақдирда, давлат ва хўжалик жамияти улушлари қолдиқ (баланс) қиймати миқдорига камайтирилади;

давлат улушкини яхлит пакетда савдога чиқариш учун давлат улусин мавқега эга ёки унинг иштирокида бўлган хўжалик жамиятларининг улушлари баланс қийматида ёки баҳоланганд қийматда уларнинг устав фондидағи давлат ва хўжалик жамияти улушларини камайтириш ҳисобидан Давактив агентлигига ўтказилади;

кредит қарздорликлари ёки Ҳукумат қарорлари асосида давлат иштирокидаги тижорат банкларига ўтказилган активлар (хўжалик жамиятлари улушлари) Давактив агентлигига тижорат банкларининг бошқарув органлари қарори асосида ўтказилади. Бунда активларни бериш уларнинг эҳтимолий йўқотишлигарга қарши яратилган захиралари ёки активларни сотишдан тушган маблағларни уларни савдога чиқариш ва сотиш билан боғлиқ харажатларни чегирган ҳолда ушбу тижорат банкларига ўтказиш орқали берилади. Агар обьектларнинг сотилган қиймати қолдиқ (баланс) қийматдан юқори бўлса, тижорат банкларига қолдиқ (баланс) қиймати йўналтирилади.

Бунда сотилган қолдиқ (баланс) қийматидан юқори бўлган тақдирда, давлат ва хўжалик жамияти улушлари қолдиқ (баланс) қиймати миқдорига камайтирилади.

2. Белгилансинки:

хусусийлаштириш дастурларига киритилган кўчмас мулкларнинг кадастр хужжатларида камчиликлар аниқланганда (хужжатлар мавжуд бўлмаганда), ушбу **кўчмас мулкларга кадастр паспорти ва давлат реестридан кўчирмалар учун тўловлар** давлат активларини бошқариш, трансформация ва хусусийлаштириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан амалга оширилишига рухсат берилади;

қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ер участкаларини электрон онлайн-аукцион савдолари орқали реализация қилишда, **ер участкасига бўлган ҳуқуқ тури** ва унда рухсат бериладиган **фаолият турлари** аҳоли пунктларининг бош режалари, аҳоли пунктлари қисмларини батафсил режалаштириш лойиҳалари ёки худудларни комплекс ривожлантириш ва режалаштириш бўйича бошқа хужжатлар (кейинги ўринларда – шаҳарсозлик хужжатлари), шу жумладан, мастер-режалар ёхуд ер участкаларидан фойдаланишнинг рухсат этилган турларидан келиб чиқсан ҳолда, туман (шаҳар) қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бўлимлари томонидан белгиланади. Бунда ер участкаси жойлашган аҳоли пунктларининг тасдиқланган шаҳарсозлик хужжатлари, шу жумладан, мастер-режалари мавжуд бўлганда, ер участкалари **қатъий равишида мулк ҳуқуқи асосида савдоларга чиқарилади**.

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.Ж. Раматов туман (шаҳар) курилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бўлимлари ходимларининг қурилиш обьектларининг ташқи қиёфасини белгилаш бўйича шахсий масъулиятини кучайтириш чораларини кўрсин.

3. Давактив агентлиги зарур ҳолларда, давлат иштирокидаги корхоналар активларини ўтказиб бериш тартиби бўйича таклифларни Давлат активларини хусусийлаштириш ва хусусийлаштириш жараёнларини мувофиқлаштириш бўйича давлат комиссиясига киритиб борсин.

Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳамда Давактив агентлиги давлат иштирокидаги корхоналар билан биргаликда улар томонидан жойлаштирилган облигацияларни, **хорижий молия ташкилотлари ва банкларидан жалб этилган кредитлар бўйича ўрнатилган ковенантларни** қонунчилик ҳужжатлари билан уларнинг устав капитали микдорига белгиланган талабларни инобатга олган ҳолда Давактив агентлигига ўтказилишини таъминласин.

4. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар, Тошкент шаҳри, туман ва шаҳарлар ҳокимликлари Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги, Транспорт вазирлиги, Кадастр агентлиги ва Давактив агентлиги билан биргаликда:

а) тадбиркорлик ва шаҳарсозлик фаолиятини ташкил этиш учун **1-иловадаги** режага мувофиқ ер участкаларининг устувор равишда мулк ҳуқуқи асосида аукцион савдоларига 2024 йилда чиқарилишини таъминласин. Бунда:

шаҳарсозлик ҳужжатлари ишлаб чиқилмаган ер участкалари **ижара ҳуқуқи асосида** савдога чиқарилади;

ер участкаларини мулк ҳуқуқи асосида савдога чиқаришда ер участкаларига қўйиладиган шаҳарсозлик талабларининг бажарилишига Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги томонидан алоҳида эътибор қаратилади;

б) халқаро аҳамиятдаги автомобиль йўллари бўйлаб замонавий инфратузилмани барпо этиш, савдо ва сервис обьектларини жойлаштириш учун **1а-иловадаги** режага мувофиқ ер участкалари мастер-режа асосида савдоларга чиқарилишини таъминласин;

в) **2024 йил 1 июлга қадар** Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги, Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги билан биргаликда тиббиёт ва таълим муассасаларининг бўш ер майдонларини тўлиқ хатловдан ўтказиб, рўйхатини шаклантирсин. Бунда:

Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, Камбағалликни қисқартириш ва баңдлик вазирлиги, Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги томонидан хатлов натижасида аниқланган бўш ер участкалари жойлашган худудларда аҳолини камида 10 йиллик демографик ривожланиш прогноз кўрсаткичларини инобатга олиб, аукцион савдоларига чиқариладиган бўш ер участкаларининг рўйхати шаклантирилади;

Кадастр агентлиги, Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги ҳамда Давактив агентлиги томонидан шакллантирилган рўйхат асосида бўш ер участкалари фақат хусусий таълим ва тибиёт ташкилотларини ташкил этиш ва ушбу фаолиятни амалга ошириш шарти билан аукцион савдоларига чиқарилади.

5. Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринbosари – иқтисодиёт ва молия вазири Ж.А. Кўчкоров ер участкаларининг мулк ва ижара хукуқи асосида сотилиши ҳолатидан келиб чиқиб, худудларда келгуси ойда савдога чиқариладиган ер участкаларининг режа-графигини ойма-ой тасдиқлаб борсин ва унинг ижросини қатъий назоратга олсин.

6. Қорақалпогистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари томонидан тижорат банклари кўмагида **2-иловага** мувофиқ туман ва шаҳарларда замонавий хизмат кўрсатиш мажмуалари ва сервис объектларини, жумладан, жойлаштириш воситалари, турар жойлар, савдо-кўнгилочар марказларини жойлаштириш бўйича **мастер-режа лойиҳалари** тайёрланганлиги **маълумот учун қабул қилинсин**.

Қорақалпогистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари:

2024 йил 10 майдан бошлаб жорий йил **якунига қадар** Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги ҳамда Кадастр агентлиги билан биргаликда мастер-режаларга мувофиқ замонавий хизмат кўрсатиш мажмуалари ва сервис объектларини, жумладан, жойлаштириш воситалари, турар жойлар, савдо-кўнгилочар марказларини ташкил қилиш учун **бўш ер участкаларини аукцион савдоларига чиқариш** чораларини кўрсин;

2024 йил 1 июлга қадар аниқ ер участкаси бўйича мастер-режаларнинг ишлаб чиқилишини якунлаб, ҳудудий архитектура ва шаҳарсозлик кенгашлари билан **келишилган** ҳолда **тасдиқланишини** таъминласин;

Кишлоқ хўжалиги вазирлиги билан биргаликда мастер-режа ишлаб чиқилган ҳудудлардаги ер участкаларининг тоифасини суғорилмайдиган қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар тоифасидан саноат, транспорт, алоқа, мудофаа ва бошқа мақсадларга мўлжалланган ерлар тоифасига ўтказиш бўйича таклифларни Инвестицияларни жалб қилиш, саноатни ривожлантириш ва савдони тартибга солиш масалалари бўйича **Хукумат комиссиясига** киритиб борсин.

Хукумат комиссияси (Ходжаев) қишлоқ хўжалигига мўлжалланган суғорилмайдиган ерлар тоифасини ўзгартириш бўйича келиб тушган таклифларни **бир ой муддатда** кўриб чиқиб, қарор қабул қилинишини таъминласин.

7. Бухоро, Намангандарё вилоятлари ҳокимликлари **икки ой муддатда** Бухоро, Намангандарё, Термиз шаҳарларида ва Поп туманида мастер-режаларнинг ишлаб чиқилишини таъминласин.

8. Давактив агентлиги Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ҳамда вилоятлар ҳокимликлари билан биргаликда мастер-режалар ва улар асосида аукцион савдоларига чиқариладиган ер участкалари тұғрисидаги маълумотларни аҳоли ҳамда тадбиркорлар, жумладан, маҳаллий ва хорижий инвесторлар ўртасида кенг ёритилишини ташкил қылсин.

9. Иқтисодиёт ва молия вазирлиги Давактив агентлиги, Туризм қўмитаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари билан биргаликда **бир ой муддатда** 2024 йилда қўшимча равищда **70 та туман ва шаҳарда мастер-режаларнинг ишлаб чиқилишини** ташкил этиш юзасидан тегишли қарор лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига тасдиқлаш учун киритсин. Бунда:

маҳаллий ижро ҳокимияти органлари тузилмаларидағи мавжуд штат бирликлари доирасида мастер-режаларни ишлаб чиқишига қўмаклашувчи гурухлар фаолиятини йўлга қўйишни;

мастер-режаларни ишлаб чиқишинг молиялаштириш манбаларини белгилаш, жумладан донор ташкилотларнинг грантларини жалб қилиш ва Давлат бюджетидан бюджет ссудасини ажратишни;

мастер-режаларни ишлаб чиқишига иқтисодий комплекс таркибиға кирувчи вазирлик ва идоралар раҳбарлари ҳамда уларнинг ўринбосарларини бириктиришни назарда тутсин.

10. Кадастр агентлиги Қишлоқ хўжалиги вазирлиги билан биргаликда 1а-иловага мувофиқ ҳамда келгусида замонавий хизмат кўрсатиши мажмуалари ва сервис обьектларини, жумладан, жойлаштириш воситалари, турар жойлар, савдо-кўнгилочар марказларини жойлаштиришни назарда тутувчи **мастер-режа лойиҳалари** асосида аукцион савдоларига чиқариладиган ер участкаларининг тоифасини саноат, транспорт, алоқа, мудофаа ва бошқа мақсадларга мўлжалланган ерлар тоифасига ўзгартириш юзасидан Ер ресурсларининг ҳолати бўйича миллий ҳисботга тегишли ўзгартиришлар киритилишини таъминласин.

11. Республикадаги шаҳар ва шаҳарчаларнинг шаҳарсозлик хужжатлари (бош режалар) билан таъминлаш режаси 3-иловага мувофиқ тасдиқлансан.

Курилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда мазкур қарорга 3-иловадаги шаҳар ва шаҳарчаларнинг бош режаси ҳамда бошқа шаҳарсозлик хужжатларинининг ўз вақтида ва сифатли ишлаб чиқилиши учун масъул этиб белгилансин.

12. Давактив агентлиги Рақамли технологиялар вазирлиги билан биргаликда **2024 йил 10 июнга қадар** “Давлат мулки” ахборот тизимининг:

давлат активларининг олди-сотди шартномалари бўйича – Кадастр агентлиги, “Қимматли қоғозларнинг марказий депозитарийси” АЖ;

давлат активларига берилган ордерлар ва депо ҳисобварағидан қўчирмалар бўйича – Адлия вазирлиги, Кадастр агентлиги, Солиқ қўмитаси, “Қимматли қоғозларнинг марказий депозитарийси” АЖнинг ахборот тизимлари билан “Рақамли ҳукумат” тизими орқали интеграция қилинишини таъминласин.

13. Солиқ қўмитаси Давактив агентлиги, бошқа давлат органлари ва ташкилотларининг мурожаатларига асосан хусусийлаштириш дастурларига киритилган активларга қўйилган тақиқларнинг белгиланган тартибда ечилишини таъминласин.

14. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари – иқтисодиёт ва молия вазири Ж.А. Кўчкоров ҳамда Давлат активларини бошқариш агентлиги директори А.Ж. Ортиқов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**



А. Арипов

Вазирлар Махкамасининг
2024 йил “7” майдаги 268-сон қарорига
1-илова

Тадбиркорлик ва шаҳарсозлик фаолиятини ташкил этиш учун 2024 йилда устувор равишда
мулк хуқуқи асосида ер участкаларини аукцион савдоларига чиқарим
РЕЖАСИ

Т/Р	Худудлар	Жами ер участкалари (га)	шундан			
			1-чорак*	2-чорак	3-чорак	4-чорак
	Жами:	6098,4	1094,3	1945,2	1842,7	1216,2
	Қоғалпоғистон Республикаси	495,2	89,2	158,5	148,4	99,1
1	Амударё тумани	46,2	8,3	14,8	13,9	9,2
2	Беруний тумани	57,2	10,3	18,3	17,2	11,4
3	Бўзатов тумани	17,5	3,2	5,6	5,2	3,5
4	Кегайли тумани	21,9	4,0	7,0	6,6	4,3
5	Қонликўл тумани	25,7	4,7	8,2	7,7	5,1
6	Қораўзак тумани	23,8	4,3	7,6	7,1	4,8
7	Қўнғирот тумани	53,8	9,7	17,2	16,1	10,8
8	Мўйноқ тумани	30,0	5,4	9,6	9,0	6,0
9	Нукус тумани	42,8	7,7	13,7	12,8	8,6
10	Нукус шаҳри	38,9	7,0	12,5	11,7	7,7
11	Тахиатош тумани	22,8	4,1	7,3	6,8	4,6
12	Тахтакўпир тумани	2,8	0,5	0,9	0,8	0,6
13	Тўрткўл тумани	33,8	6,1	10,8	10,1	6,8
14	Хўжайли тумани	12,5	2,2	4,0	3,8	2,5
15	Чимбой тумани	21,6	3,8	7,0	6,5	4,3
16	Шуманай тумани	12,8	2,3	4,1	3,8	2,6

Т/Р	Худудлар	Жами ер участкалари (га)	шундан			
			1-чорак*	2-чорак	3-чорак	4-чорак
17	Элликқалъа тумани	31,1	5,6	9,9	9,3	6,3
	Андижон вилояти	258,4	46,9	82,5	77,2	51,8
1	Андижон тумани	75,3	13,5	24,1	22,6	15,1
2	Андижон шахри	8,4	1,6	2,6	2,5	1,7
3	Асака тумани	6,7	1,3	2,1	1,9	1,4
4	Балиқчи тумани	12,8	2,3	4,1	3,8	2,6
5	Булоқбоши тумани	10,5	1,8	3,5	3,2	2,0
6	Бўйстон тумани	15,7	2,9	5,0	4,7	3,1
7	Жалақудук тумани	14,2	2,5	4,6	4,3	2,8
8	Избоскан тумани	7,2	1,3	2,3	2,2	1,4
9	Қўрғонтепа тумани	10,0	1,8	3,2	3,0	2,0
10	Марҳамат тумани	15,7	2,9	5,0	4,7	3,1
11	Олтинкўл тумани	7,5	1,4	2,4	2,2	1,5
12	Пахтаобод тумани	30,7	5,8	9,6	9,0	6,3
13	Улугнор тумани	21,1	3,8	6,7	6,3	4,3
14	Хонобод шахри	6,5	1,1	2,1	1,9	1,4
15	Хўжаобод тумани	8,9	1,6	2,9	2,7	1,7
16	Шаҳрихон тумани	7,2	1,3	2,3	2,2	1,4
	Бухоро вилояти	412,3	72,7	131,4	124,0	84,2
1	Бухоро тумани	36,2	6,5	11,6	10,9	7,2
2	Бухоро шахри	15,7	2,9	5,0	4,7	3,1
3	Вобкент тумани	11,9	2,2	3,8	3,6	2,3
4	Ғиждувон тумани	34,5	4,0	11,9	11,2	7,4
5	Жондор тумани	32,8	5,9	10,5	9,8	6,6
6	Когон тумани	56,6	11,0	16,8	16,5	12,3

Т/Р	Худудлар	Жами ер участкалари (га)	шундан			
			1-чорак*	2-чорак	3-чорак	4-чорак
7	Когон шахри	15,3	2,7	4,9	4,6	3,1
8	Қоракүл тумани	61,1	11,0	19,5	18,3	12,3
9	Қоровулбозор тумани	21,1	3,8	6,7	6,3	4,3
10	Олот тумани	8,1	1,4	2,6	2,4	1,7
11	Пешкү тумани	65,7	11,9	21,0	19,7	13,1
12	Ромитан тумани	36,3	6,5	11,6	10,9	7,3
13	Шоғиркон тумани	17,0	2,9	5,5	5,1	3,5
Жиззах вилояти		458,2	82,5	146,1	138,2	91,4
1	Арнасой тумани	3,2	0,6	0,9	0,9	0,8
2	Бахмал тумани	45,3	8,1	14,5	13,6	9,1
3	Фаллаорол тумани	26,1	4,5	8,1	8,4	5,1
4	Дўстлик тумани	18,3	3,3	5,8	5,5	3,7
5	Жиззах шахри	21,6	3,9	6,9	6,5	4,3
6	Зарбдор тумани	12,1	2,3	3,8	3,7	2,3
7	Зафаробод тумани	11,0	2,0	3,5	3,3	2,2
8	Зомин тумани	178,9	32,2	57,3	53,7	35,7
9	Мирзачўл тумани	10,8	2,0	3,5	3,3	2,0
10	Паҳтакор тумани	27,2	4,9	8,7	8,2	5,4
11	Фориш тумани	38,4	7,0	12,2	11,5	7,7
12	Шароф Рашидов тумани	44,2	7,9	14,2	13,3	8,8
13	Янгиобод тумани	21,1	3,8	6,7	6,3	4,3
Қашқадарё вилояти		365,1	65,8	116,8	110,3	72,2
1	Ғузор тумани	33,8	6,1	10,8	10,1	6,8
2	Дехқонобод тумани	10,1	1,8	3,3	3,0	2,0

Т/Р	Худудлар	Жами ер участкалари (га)	шундан			
			1-чорак*	2-чорак	3-чорак	4-чорак
3	Касби тумани	4,8	0,9	1,5	1,5	0,9
4	Китоб тумани	62,0	11,3	19,8	18,6	12,3
5	Косон тумани	29,2	5,2	9,3	8,7	6,0
6	Қамаши тумани	28,0	4,9	8,7	9,0	5,4
7	Қарши тумани	18,9	3,4	6,1	5,7	3,7
8	Қарши шахри	37,2	6,7	11,9	11,2	7,4
9	Миришкор тумани	6,2	1,1	2,0	1,9	1,2
10	Муборак тумани	7,5	1,4	2,4	2,2	1,5
11	Нишон тумани	3,8	0,7	1,2	1,1	0,8
12	Чироқчи тумани	16,5	2,9	5,3	4,9	3,4
13	Шахрисабз тумани	24,1	4,5	7,9	7,4	4,3
14	Шахрисабз шахри	4,2	0,7	1,4	1,3	0,8
15	Кўқдала тумани	63,5	11,5	20,3	19,1	12,6
16	Яккабоғ тумани	15,3	2,7	4,9	4,6	3,1
Навоий вилояти		643,1	115,7	205,8	192,8	128,8
1	Зарафшон шахри	30,5	5,4	9,9	9,2	6,0
2	Кармана тумани	60,0	10,8	19,2	18,0	12,0
3	Конимех тумани	24,7	4,5	7,9	7,4	4,9
4	Қизилтепа тумани	172,3	31,0	55,0	51,6	34,7
5	Навбаҳор тумани	135,3	24,3	43,3	40,6	27,1
6	Навоий шахри	32,8	5,9	10,5	9,8	6,6
7	Нурота тумани	105,3	18,9	33,7	31,6	21,1
8	Томди тумани	12,8	2,3	4,1	3,8	2,6
9	Учқудук тумани	14,7	2,7	4,7	4,4	2,9

Т/Р	Худудлар	Жами ер участкалари (га)	шундан			
			1-чорак*	2-чорак	3-чорак	4-чорак
10	Хатирчи тумани	21,9	4,0	7,0	6,6	4,3
11	Фозгон шахри	32,8	5,9	10,5	9,8	6,6
Наманган вилояти		221,3	40,0	70,7	66,5	44,1
1	Наманган шахри	13,9	3,0	4,0	3,6	3,3
1.1	Давлатобод тумани	18,0	2,8	6,2	6,0	3,0
1.2	Янги Наманган тумани	37,2	6,7	11,9	11,2	7,4
2	Косонсой тумани	17,2	3,1	5,5	5,2	3,4
3	Мингбулоқ тумани	9,6	1,8	3,0	2,8	2,0
4	Наманган тумани	7,2	1,3	2,3	2,2	1,4
5	Норин тумани	6,5	1,1	2,1	1,9	1,4
6	Поп тумани	22,8	4,1	7,3	6,8	4,6
7	Тўракўргон тумани	23,8	4,3	7,6	7,1	4,8
8	Уйчи тумани	11,9	2,2	3,8	3,6	2,3
9	Учкўргон тумани	7,2	1,3	2,3	2,2	1,4
10	Чорток тумани	3,5	0,7	1,1	1,1	0,6
11	Чуст тумани	35,3	6,3	11,3	10,6	7,1
12	Янгиқўргон тумани	7,2	1,3	2,3	2,2	1,4
Самарқанд вилояти		842,9	151,8	269,8	252,8	168,5
1	Булунгур тумани	31,1	5,6	9,9	9,3	6,3
2	Жомбой тумани	23,8	4,3	7,6	7,1	4,8
3	Иштихон тумани	25,4	4,5	8,2	7,6	5,1
4	Каттақўргон тумани	26,2	4,7	8,4	7,9	5,2
5	Каттақўргон шахри	43,5	7,9	13,9	13,1	8,6
6	Қўшработ тумани	52,8	9,5	16,9	15,8	10,6

Т/Р	Худудлар	Жами ер участкалари (га)	шундан			
			1-чорак*	2-чорак	3-чорак	4-чорак
7	Нарпай тумани	23,8	4,3	7,6	7,1	4,8
8	Нуробод тумани	123,8	22,3	39,6	37,1	24,8
9	Оқдарё тумани	41,9	7,6	13,4	12,6	8,3
10	Пайариқ тумани	51,9	9,4	16,6	15,6	10,3
11	Пастдарғом тумани	52,8	9,5	16,9	15,8	10,6
12	Пахтачи тумани	48,9	8,8	15,7	14,7	9,7
13	Самарқанд тумани	45,7	8,3	14,6	13,7	9,1
14	Самарқанд шаҳри	177,9	32,0	57,0	53,4	35,5
15	Тайлоқ тумани	35,3	6,3	11,3	10,6	7,1
16	Ургут тумани	38,1	6,8	12,2	11,4	7,7
Сирдарё вилояти		280,1	50,1	89,9	84,1	56,0
1	Боёвут тумани	30,0	5,4	9,6	9,0	6,0
2	Гулистан тумани	11,9	2,2	3,8	3,6	2,3
3	Гулистан шаҳри	25,3	4,5	8,1	7,6	5,1
4	Мирзаобод тумани	11,9	2,2	3,8	3,6	2,3
5	Оқолтин тумани	25,3	4,5	8,1	7,6	5,1
6	Сайхунобод тумани	22,8	4,1	7,3	6,8	4,6
7	Сардоба тумани	22,8	4,1	7,3	6,8	4,6
8	Сирдарё тумани	36,9	6,5	11,9	11,1	7,4
9	Ховос тумани	36,5	6,5	11,7	10,9	7,4
10	Ширин шаҳри	6,2	1,1	2,0	1,9	1,2
11	Янгиер шаҳри	50,5	9,0	16,3	15,2	10,0
Сурхондарё вилояти		407,1	70,3	124,9	134,1	77,8
1	Ангор тумани	15,3	2,7	4,9	4,6	3,1
2	Бандиҳон тумани	33,8	6,1	10,8	10,1	6,8

Т/Р	Худудлар	Жами ер участкалари (га)	шундан			
			1-чорак*	2-чорак	3-чорак	4-чорак
3	Бойсун тумани	122,8	22,1	39,3	36,8	24,6
4	Денов тумани	22,8	4,1	7,3	6,8	4,6
5	Жаркүрғон тумани	21,9	4,0	7,0	6,6	4,3
6	Қизириқ тумани	34,3	3,1	5,5	22,3	3,4
7	Күмкүрғон тумани	7,5	1,4	2,4	2,2	1,5
8	Музработ тумани	5,3	0,9	1,7	1,6	1,1
9	Олтинсой тумани	10,8	2,0	3,5	3,3	2,0
10	Сариосиё тумани	4,7	0,9	1,5	1,4	0,9
11	Термиз тумани	67,5	12,2	21,6	20,2	13,5
12	Термиз шаҳри	25,3	4,5	8,1	7,6	5,1
13	Узун тумани	6,2	1,1	2,0	1,9	1,2
14	Шеробод тумани	8,4	1,6	2,6	2,5	1,7
15	Шўрчи тумани	20,5	3,6	6,7	6,2	4,0
Тошкент вилояти		893,4	160,5	286,1	268,4	178,4
1	Ангрен шаҳри	30,5	5,4	9,9	9,2	6,0
2	Бекобод тумани	25,3	4,5	8,1	7,6	5,1
3	Бекобод шаҳри	12,8	2,3	4,1	3,8	2,6
4	Бўка тумани	30,0	5,4	9,6	9,0	6,0
5	Бўстонлик тумани	78,1	14,0	25,0	23,4	15,7
6	Зангиота тумани	38,9	7,0	12,5	11,7	7,7
7	Қибрай тумани	35,3	6,3	11,3	10,6	7,1
8	Қуйичирчиқ тумани	15,4	2,7	5,0	4,6	3,1
9	Нурафшон шаҳри	25,3	4,5	8,1	7,6	5,1
10	Оққўрғон тумани	11,8	2,2	3,7	3,6	2,3
11	Олмалиқ шаҳри	41,9	7,6	13,4	12,6	8,3

Т/Р	Худудлар	Жами ер участкалари (га)	шундан			
			1-чорак*	2-чорак	3-чорак	4-чорак
12	Охангарон шахри	32,8	5,9	10,5	9,8	6,6
13	Оҳангарон тумани	201,9	36,4	64,6	60,6	40,3
14	Паркент тумани	25,3	4,5	8,1	7,6	5,1
15	Пискент тумани	12,5	2,2	4,0	3,8	2,5
16	Тошкент тумани	60,0	10,8	19,2	18,0	12,0
17	Ўртачирчик тумани	23,5	4,3	7,5	7,1	4,6
18	Чиноз тумани	11,9	2,2	3,8	3,6	2,3
19	Чирчиқ шахри	42,5	7,6	13,6	12,8	8,5
20	Юқоричирчик тумани	85,3	15,3	27,3	25,6	17,1
21	Янгийўл тумани	36,2	6,5	11,6	10,9	7,2
22	Янгийўл шахри	16,2	2,9	5,2	4,9	3,2
Фарғона вилояти		413,7	75,0	132,3	123,5	82,9
1	Бағдод тумани	18,1	3,2	5,8	5,4	3,7
2	Бешарик тумани	16,2	2,9	5,2	4,9	3,2
3	Бувайда тумани	28,1	5,0	9,0	8,4	5,7
4	Данғара тумани	10,5	1,8	3,5	3,2	2,0
5	Ёзёвон тумани	59,7	11,5	18,9	17,4	11,9
6	Қува тумани	11,9	2,2	3,8	3,6	2,3
7	Қувасой шахри	21,9	4,0	7,0	6,6	4,3
8	Қўқон шахри	4,7	0,9	1,5	1,4	0,9
9	Қўштепа тумани	18,9	3,4	6,1	5,7	3,7
10	Марғилон шахри	3,8	0,7	1,2	1,1	0,8
11	Олтиарик тумани	8,1	1,4	2,6	2,4	1,7
12	Риштон тумани	11,9	2,2	3,7	3,5	2,5
13	Сўҳ тумани	2,8	0,5	0,9	0,8	0,6

Т/Р	Худудлар	Жами ер участкалари (га)	шундан			
			1-чорак*	2-чорак	3-чорак	4-чорак
14	Тошлоқ тумани	35,3	6,3	11,3	10,6	7,1
15	Ўзбекистон тумани	38,1	6,8	12,2	11,4	7,7
16	Учкўприк тумани	38,1	6,8	12,2	11,4	7,7
17	Фарғона тумани	21,9	4,0	7,0	6,6	4,3
18	Фарғона шаҳри	17,2	3,1	5,5	5,2	3,4
19	Фурқат тумани	46,5	8,3	14,9	13,9	9,4
Хоразм вилояти		181,9	32,8	58,2	54,7	36,2
1	Боғот тумани	11,9	2,2	3,8	3,6	2,3
2	Гурлан тумани	25,3	4,5	8,1	7,6	5,1
3	Қўшқўпир тумани	7,2	1,3	2,3	2,2	1,4
4	Тупроққалъя тумани	11,9	2,2	3,8	3,6	2,3
5	Урганч тумани	41,9	7,6	13,4	12,6	8,3
6	Урганч шаҳри	6,2	1,1	2,0	1,9	1,2
7	Ҳазорасп тумани	5,3	0,9	1,7	1,6	1,1
8	Хива тумани	15,3	2,7	4,9	4,6	3,1
9	Хива шаҳри	7,5	1,4	2,4	2,2	1,5
10	Хонқа тумани	3,8	0,7	1,2	1,1	0,8
11	Шовот тумани	38,1	6,8	12,2	11,4	7,7
12	Янгиарик тумани	3,5	0,7	1,1	1,1	0,6
13	Янгибозор тумани	4,0	0,7	1,3	1,2	0,8
Тошкент шаҳар		225,7	41,0	72,2	67,7	44,8
1	Бектемир тумани	25,3	4,5	8,1	7,6	5,1
2	Мирзо Улугбек тумани	40,0	7,2	12,8	12,0	8,0
3	Миробод тумани	2,0	0,5	0,6	0,6	0,3
4	Олмазор тумани	2,0	0,5	0,6	0,6	0,3

Т/Р	Худудлар	Жами ер участкалари (га)	шундан			
			1-чорак*	2-чорак	3-чорак	4-чорак
5	Сирғали тумани	40,5	7,2	13,1	12,2	8,0
6	Учтепа тумани	2,0	0,5	0,6	0,6	0,3
7	Чилонзор тумани	2,0	0,5	0,6	0,6	0,3
8	Шайхонтохур тумани	3,8	0,7	1,2	1,1	0,8
9	Юнусобод тумани	11,1	2,0	3,5	3,3	2,3
10	Яккасарой тумани	1,7	0,3	0,6	0,5	0,3
11	Яшнобод тумани	15,3	2,7	4,9	4,6	3,1
12	Янги ҳаёт тумани	80,0	14,4	25,6	24,0	16,0

Изоҳ. Жорий йилнинг 1-чорагида амалда савдога чиқарилган ер участкалари инобатга олинган ҳолда режа шакллантирилган.

Вазирлар Маҳкамасининг
2024 йил “7” майдаги 268-сон қарорига
1а-илова

**Халқаро аҳамиятдаги автомобиль йўллари бўйлаб замонавий инфратузилмани
барпо этиш, савдо ва сервис объектларини жойлаштириш учун мастер-режа
асосида савдоларга чиқариладиган ер участкалари
РЕЖАСИ**

Т/р	Худудлар	Ер участкалари			
		сони	майдони, (га)	халқаро аҳамият- даги автомобиль йўли номи	ер участкаси жойлашган километр (км)
	Жами	411	141,5		
	Қорақалпогистон Республикаси	22	4,4		
1	Қораўзак тумани	5	1,0	A-380	30-50
2	Нукус тумани	4	0,8	A-380	30-40
3	Тахтакўнир тумани	3	0,6	A-380	50-70
4	Хўжайли тумани	3	0,6	A-380	150-200
5	Чимбой тумани	5	1,0	A-380	30-60
6	Шуманай тумани	2	0,4	A-380	100-150
	Андижон вилояти	22	4,4		
1	Андижон тумани	5	1,0	A373	429-441
2	Бўстон тумани	5	1,0	A373	285 - 400
3	Хўжаобод тумани	5	1,0	A373	441-475
4	Шаҳриҳон тумани	7	1,4	A373	400-416
	Бухоро вилояти	55	15,4		
1	Бухоро тумани	4	0,8	A-380	185-195
				M-37	252-263 272- 280
2	Вобкент тумани	6	2,5	M-37	236-252
3	Ғиждувон тумани	9	1,8	M-37	212-236

Т/р	Худудлар	Ер участкалари			
		сони	майдони, (га)	халқаро аҳамиятдаг и автомобиль йўли номи	еर участкаси жойлашган километр (км)
4	Жондор тумани	6	2,5	A-380	299-315 315- 322 350-371
				M-37	280-314
5	Когон тумани	5	1,2	A-380	195-206 211- 216
6	Когон шахри	5	1,0	A-380	206-211
7	Қоракўл тумани	4	0,8	M-37	314-331
8	Қоровулбозор тумани	4	0,8	A-380	150-185
9	Олот тумани	5	1,5	M-37	331-367
10	Ромитан тумани	7	2,5	A-380	237-274 322-326 340- 350 401-439
Жиззах вилояти		19	3,8		
1	Баҳмал тумани	5	1,0	A-376	285
2	Фаллаорол тумани	5	1,0	M-39	1017
3	Зарбдор тумани	9	1,8	A-376	278
Қашқадарё вилояти		55	11,0		
1	Ғузор тумани	11	2,2	M39	1228-1258
2	Дехқонобод тумани	3	0,6	M39	1258-1315
3	Китоб тумани	5	1,0	M39	1135-1165
4	Косон тумани	6	1,2	A380	68-98
5	Қамапши тумани	8	1,6	M39	1190-1228
6	Қарши тумани	8	1,6	A380	40-47 63-68
7	Қарши шахри	4	0,8	A380	47-64
8	Муборак тумани	5	1,0	A380	98-150
9	Шаҳрисабз тумани	5	1,0	M39	1165-1177

Т/р	Худудлар	Ер участкалари			
		сони	майдони, (га)	халқаро аҳамиятдаг и автомобиль йўли номи	ер участкаси жойлашган километр (км)
Навоий вилояти		44	44,0		
1	Кармана тумани	24	24,0	M-37	177-192
2	Қизилтепа тумани	20	20,0	M-37	195-208
Наманган вилояти		19	3,8		
1	Поп тумани	19	3,8	A373	221-294
Самарқанд вилояти		54	10,8		
1	Булунғур тумани	6	1,2	M 39	1037-1061
2	Жомбой тумани	8	1,6	M 39	1061-1081
3	Иштихон тумани	10	2,0	M 37	44-62
4	Каттакўргон тумани	5	1,0	M 37	62-83
5	Нуробод тумани	3	0,6	A-378	9-57
6	Нарпай тумани	4	0,8	M 37	83-116
7	Оқдарё тумани	6	1,2	M 37	6-44
8	Пахтачи тумани	3	0,6	M 37	116-147
9	Самарқанд тумани	2	0,4	M 37 M 39 A 378	3-6 1081-1095 0-9
10	Самарқанд шаҳри	2	0,4	M 37	0-3
11	Тайлоқ тумани	3	0,6	A 377	2-25
12	Ургут тумани	2	0,4	M 39; A 377	1095-1135 25-35
Сирдарё вилояти		25	8,2		
1	Гулистон шаҳри	2	0,4	M-34	116-121
2	Мирзаобод тумани	6	2,4	M-34	104-116 121- 136
3	Сардоба тумани	3	0,6	M-39	936-939
4	Сирдарё тумани	5	3,0	M-34	70-104

Т/р	Худудлар	Ер участкалари			
		сони	майдони, (га)	халқаро аҳамиятдаг и автомобиль йўли номи	еर участкаси жойлашган километр (км)
5	Ховос тумани	4	0,8	A-376	195-242
6	Ширин шаҳри	2	0,4	A-376	189-194
7	Янгиер шаҳри	3	0,6	M-34	137-155
Сурхондарё вилояти		35	7,2		
1	Ангор тумани	4	2,0	M-39	1419-1441
5	Бойсун тумани	15	2,0	M-39 4P-105	1315-1373 0-70
11	Бандиҳон тумани	5	1,0	4P-100	92-126
12	Олтинсой тумани	5	1,0	4P-100	137-162
14	Шеробод тумани	6	1,2	M-39	1373-1419
Тошкент вилояти		16	15,3		
1	Ангрен шаҳри	5	5,0	A-373	65
2	Оҳангарон шаҳри	6	5,3	A-373	40
3	Оҳангарон тумани	5	5,0	A-373	45
Фарғона вилояти		21	4,2		
1	Бешариқ тумани	3	0,6	A-376	43
2	Ёзёвон тумани	5	1,0	A-373	363
3	Қўштепа тумани	13	2,6	A-373	376
Хоразм вилояти		14	7,0		
1	Тупроққалъа тумани	14	7,0	A-380	115
Тошкент шаҳар		10	2,0		
1	Бектемир тумани	2	0,4	A373	42-45
2	Янгиҳаёт тумани	8	1,6	M39B	52-65

Вазирлар Маҳкамасининг
2024 йил “7” майдаги 268-сон қарорига
2-илова

**Туман ва шаҳарларда замонавий хизмат кўрсатиш мажмуалари ва сервис объектларини, жумладан, жойлаштириш
воситалари, туар жойлар, савдо-кўнгилочар марказларини жойлаштириш бўйича
МАСТЕР-РЕЖА ЛОЙИХАЛАРИ**

T/p	Туман/ شاҳар номи	Аукционга чиқариладиган ер майдонлари			шундан																	
		лот сони	майдони, гектар	объект сони	чакана савдо	йирик савдо, бозор мажмуалари	умумий овқатланиш шохобчалари	кўнгилочар марказлар	маиший хизмат кўрсатиш объектлари	хусусий ижтимоий хизматлар	кўп- қаватли уй-жой бинолари	жойлаш- тириш воситалари	бошқалар	объект сони	майдони, гектар	объект сони	майдони, гектар	объект сони	майдони, гектар			
				объект сони	майдони, гектар	объект сони	майдони, гектар	объект сони	майдони, гектар	объект сони	майдони, гектар	объект сони	майдони, гектар	объект сони	майдони, гектар	объект сони	майдони, гектар	объект сони	майдони, гектар			
	Жами	447	577,6	1 304	183	29,3	18	32,2	135	10,6	26	98	373	44,6	63	27,2	387	228,4	23	23,4	96	83,7
1	Нукус шаҳри	7	18	68	40	0,7			26,0	0,4	2,0	17,0										
2	Андижон шаҳри	14	20	59	15	1,5	1,0	1,5	12,0	0,2	3,0	9,0	13,0	1,3	1,0	0,8	12,0	3,7	1,0	1,5	1,0	0,1
3	Бухоро шаҳри	<i>Мастер-режса лойиҳаси яқунлангандан сўнг аниқлик киритилади.</i>																				
4	Жizzах шаҳри	175	81,5	105	18	9,2	9,0	8,2			6,0	2,8	28,0	15,2	5,0	2,7	35,0	41,3			4,0	2,1
5	Қарши шаҳри	11	99,7	13			1,0	12,7	2,0	2,8	6,0	54,7							2,0	3,5	2,0	26,0
6	Қамаши тумани	18	41,0	18			1,0	0,2	3,0	0,5					1,0	1,2			3,0	6,0	10,0	33,1

T/p	Туман/ шахар номи	Аукционга чиқариладиган ер майдонлари			ищундан																				
		ЛОТ СОНИ	МАЙДОННИ, ГЕКТАР	ОБЪЕКТ СОНИ	ЧАКАНА САВДО	ЙИРИК САВДО, БОЗОР МАЖМУАЛАРИ	УМУМИЙ ОВҚАТЛАНИШ ШОХОБЧАЛАРИ	КҮНГИЛОЧАР МАРКАЗЛАР	МАИШИЙ ХИЗМАТ КҮРСАТИШ ОБЪЕКТЛАРИ	ХУСУСИЙ ИЖТИМОИЙ ХИЗМАТЛАР	КҮП- ҚАВАТЛИ УЙ-ЖОЙ БИНОЛАРИ	ЖОЙЛАШ- ТИРИШ ВОСИТАЛАРИ	БОШҚАЛАР	ОБЪЕКТ СОНИ	МАЙДОННИ, ГЕКТАР	ОБЪЕКТ СОНИ	МАЙДОННИ, ГЕКТАР	ОБЪЕКТ СОНИ	МАЙДОННИ, ГЕКТАР	ОБЪЕКТ СОНИ	МАЙДОННИ, ГЕКТАР				
					ОБЪЕКТ СОНИ	МАЙДОННИ, ГЕКТАР	ОБЪЕКТ СОНИ	МАЙДОННИ, ГЕКТАР	ОБЪЕКТ СОНИ	МАЙДОННИ, ГЕКТАР	ОБЪЕКТ СОНИ	МАЙДОННИ, ГЕКТАР	ОБЪЕКТ СОНИ	МАЙДОННИ, ГЕКТАР	ОБЪЕКТ СОНИ	МАЙДОННИ, ГЕКТАР	ОБЪЕКТ СОНИ	МАЙДОННИ, ГЕКТАР	ОБЪЕКТ СОНИ	МАЙДОННИ, ГЕКТАР	ОБЪЕКТ СОНИ	МАЙДОННИ, ГЕКТАР			
7	Навоий шахри	120	202,8	374	30	2,0	2,0	6,0	8,0	1,6			48,0	18,9	42,0	11,9	240	157,4	4,0	5,0					
8	Наманган шахри	<i>Мастер-режса лойиҳаси яқунлангандан сўнг аниқлик киритилади.</i>																							
9	Поп тумани	<i>Мастер-режса лойиҳаси яқунлангандан сўнг аниқлик киритилади.</i>																							
10	Термиз шахри	<i>Мастер-режса лойиҳаси яқунлангандан сўнг аниқлик киритилади.</i>																							
11	Бойсун тумани	19	24,8	22	2	3,6	1,0	0,5	3,0	1,8			3,0	3,8	2,0	8,6			7,0	5,2	4,0	1,4			
12	Сариосиё тумани	1	2,0	5			1,0	0,5	3,0	0,5	1,0	1,0													
13	Гулистан шахри	14	29,0	136	18,0	4,3	1,0	2,3	18,0	0,8	5,0	4,5	30,0	1,8	12,0	2,0	20,0	6,4	2,0	1,0	30,0	6,0			
14	Паркент тумани	5	2,0	10									1,0	0,5	1,0	0,1		8,0	1,3						
15	Фарғона шахри	63	56,8	494	60,0	8,0	1,0	0,3	60,0	2,0	2,0	8,5	250	3,5			72,0	18,3	4,0	1,2	45,0	15,0			

Изоҳ. Аукционга чиқариладиган лотлар сони, майдони ҳамда объектлар сони ва йўналишиларига ер танлаш материаллари ишилаб чиқилиб, "Yerelektron" ATT орқали келишишгандан сўнг аниқлик киритилади.

Вазирлар Маҳкамасининг
2024 йил “7” майдаги 268-сон қарорига
3-илова

**Республикадаги шаҳар ва шаҳарчаларнинг шаҳарсозлик хужжатлари
(бош режалар) билан таъминлаш
РЕЖАСИ**

T/p	T/p	Худудлар номи	Шаҳарлар/шаҳарчалар номи	Ишлаб чиқиши муддати
Қорақалпогистон Республикаси				
1	1	Беруний тумани	Булиш шаҳарчаси	
2	2	Бўзатов тумани	Бўзатов шаҳарчаси	
3	3	Қораўзак тумани	Қораўзак шаҳарчаси	
4	4	Кегейли тумани	Кегейли шаҳарчаси	
5	5	Қўнғирот тумани	Жаслиқ шаҳарчаси	2024 йил III чорак
6	6		Қорақалпогистон шаҳарчаси	
7	7		Қирққиз шаҳарчаси	
8	8		Олтинкўл шаҳарчаси	
9	9		Елобод шаҳарчаси	
10	10	Қанликўл тумани	Қонликўл шаҳарчаси	
11	11	Нукус тумани	Оқманғит шаҳарчаси	
Андижон вилояти				
12	1	Андижон шаҳри	Андижон шаҳри	
13	2	Хонобод шаҳри	Хонобод шаҳарчаси	
14	3	Андижон тумани	Куйганёр шаҳарчаси	2024 йил IV чорак
15	4		Айрилиш шаҳарчаси	
16	5		Бўтақора шаҳарчаси	
17	6		Гулистон шаҳарчаси	
18	7		Гумбаз шаҳарчаси	
19	8		Заврок шаҳарчаси	
20	9		Қоракалпоқ шаҳарчаси	
21	10		Кунжи шаҳарчаси	
22	11		Қўшариқ шаҳарчаси	
23	12		Гулобод шаҳарчаси	
24	13		Оғуллик шаҳарчаси	
25	14		Оқ-ёр шаҳарчаси	
26	15		Юртобод шаҳарчаси	
27	16	Асака тумани	Хартум шаҳарчаси	2024 йил IV чорак
28	17		Чилон шаҳарчаси	
29	18		Чўмбогич шаҳарчаси	
30	19		Экин тикин шаҳарчаси	
31	20		Янгиобод шаҳарчаси	
32	21		Гулобод шаҳарчаси	
33	22		Кужган шаҳарчаси	2024 йил IV чорак
34	23		Навкан шаҳарчаси	
35	24		Оқбўйра шаҳарчаси	

T/p	T/p	Худудлар номи	Шаҳарлар/شاҳарчалар номи	Ишлаб чиқиши муддати
36	25		Файз шаҳарчаси	2025 йил III чорак
37	26	Балиқчи тумани	Балиқчи шаҳарчаси	2024 йил IV чорак
38	27		Хўжаобод шаҳарчаси	2025 йил III чорак
39	28		Чинобод марказ шаҳарчаси	
40	29	Бўз тумани	Бўз шаҳарчаси	2024 йил IV чорак
41	30		Сариқжўга шаҳарчаси	2025 йил II чорак
42	31		Кўхинур шаҳарчаси	2026 йил II чорак
43	32	Булоқбоши тумани	Булоқбоши шаҳарчаси	2024 йил IV чорак
44	33		Андижон шаҳарчаси	
45	34		Учтепа шаҳарчаси	2025 йил III чорак
46	35		Ширмонбулоқ шаҳарчаси	
47	36	Жалакудук тумани	Жанубий оламушук шаҳарчаси	2024 йил IV чорак
48	37		Бештол шаҳарчаси	
49	38		Ёрқишлоқ шаҳарчаси	
50	39		Жалолкудук шаҳарчаси	2025 йил III чорак
51	40		Кўкалам шаҳарчаси	
52	41		Кўштерак шаҳарчаси	2026 йил III чорак
53	42		Ойим шаҳарчаси	
